

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши.....	72
Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ	
Қарши топонимлари тадқиқотчиси.....	76
Н.АЛИБОЕВА	
Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши.....	80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш.....	84
А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ	
Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари.....	88
Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ	
Лицей, колледж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш.....	92
Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ХОМИДОВ	
Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психолого-коррекцион усусларнинг мослиги ва самараадорлиги муаммолари.....	96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЎМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндинсисининг максимумини баҳолаш ҳақида	100
---	-----

А.ЮСУПОВА, С. ЎКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида	102
--	-----

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий мухит	104
---	-----

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима	106
--	-----

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрӯз лирикаси	109
-----------------------------	-----

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	111
--	-----

Л.СИНДОРОВ

“Хибатул-ҳақоқиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида	113
---	-----

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир.....	116
---	-----

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий мухитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили.....	118
--	-----

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги	121
--	-----

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи.....	124
---	-----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собиқ олий педагогика институти)нинг иккинчи

директори Босит Қориев	127
------------------------------	-----

УДК: 371+371.398

ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ МУҲИТДА ОТА-ОНА ИБРАТИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

Т.Эгамбердиева, Н.Исройлов

Аннотация

Ушбу мақолада ёшлар тарбиясида ота-онанинг ўрни ва вазифалари ёритилган.

Аннотация

В этой статье рассматривается роль и участие родителей в воспитании и образовании детей.

Annotation

The parents' role and place in upbringing and education of the youth are considered in this article.

Таянч сўз ва иборалар: оила, фарзанд, тарбия, одоб, ёшлар, маънавият, маҳалла, урф-одат.

Ключевые слова и выражения: семья, ребёнок, воспитание, благовоспитанность, молодежь, духовность, махалля, обычай.

Keywords and expressions : family, child, upbringing, civility, youth, morality, makhalla, custom.

Ҳозирда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ижобий ёки салбий ҳолатга олиб келиши оиласда яратилган маърифий, маънавий муҳитга ҳам бевосита боғлиқдир. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан янгиланишлар рўй берди. Айниқса, 2017-2021 йилларга мўлжалланган 5 стратегик тарихий тамойилларининг 32 миллион 140 мингдан зиёд халқимиз ҳаётига тадбиқ қилинаётганини қуонарлидир. Бундай масъулиятли амалий ишларни давлатимиз томонидан режали бажаришда оиласда муҳит, ундаги муносабатлар, фарзандлар тарбиясида ота-она ибрати муҳим ўрин тутади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг таълим-тарбия концепциясининг мақсад, вазифа, талабларига биноан баркамол авлод, юрт келажаги бўлган ёшлар оиласда яратилган маънавий-маърифий муҳитда камол топишини унутмаслик давр тақазосидир. Бу борада барча турдаги таълим масканларининг педагогик жамоаларининг оила, Ёшлар Иттифоқи, маҳалла ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликдаги режаларини қайта кўриб чиқиш зарурати борлигини таъкидлаш жоиз. Демак, оила кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Яъни маънавий, маърифий, баркамол, жисмонан соғлом, юксак маданиятли ёш авлодни вояга етказиш оиласдан бошланади. Ота-она ибрати эса бош мактабдир. Оилавий муносабатлар, ёш

авлоднинг моддий олам, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқараашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари, уларга риоя этишни белгилашда муҳимдир.

XXI асрда ёш авлодининг маънавий қиёфаси эса уларнинг хулқ-атвори, ўз бурчларини англашда ифодаланади. Ҳар бир инсон ўзининг ҳис-туйғусини, ички кечинмаларини, орзу-истакларини муносабат жараёнида баён этади. Чунки жамият тараққиёти инсонларнинг шаклланиши, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида жамоа, оила, маҳалла-кўй муносабатларида гавдаланади. Оиласи маданий муҳитнинг яратилиши қайдаражада эканлигини ота-она билими, обрў-эътиборига боғлиқ эканлигини таъкидламоқчимиз. Ота-онанинг оилавий муносабатларида зиддиятлар, келишмовчиликлар бўлиши мумкин. Бу эса вояга етаётган йигит-қизларнинг мустақил ҳаётда оқилона ва тўғри йўл танлашларига салбий таъсир кўрсатади. Қизи онасига, ўғли отасига ўхшаб ҳаётдаги йўлини танлайди ва оилавий ҳаётни икирчикирларини тушунолмай, турмуш қийинчиликларини енголмай, баҳт-саодатларини ўзлари барбод қилишларига сабаб бўладилар. Чунки оиласдаги соғлом маънавий муҳитга эришилгандагина ёшларни рўзгор тебратиш, муросаи мадора, меҳнатсеварликни қадрлаш, тадбиркорликка меҳр, ибо-ҳаё, орасталик, изланиш каби тушунчаларини ҳаётга тадбиқ эта олиб, ота-онаси, қариндошларини, маҳалла-кўй, қўни-қўшнини қувонтириш даражасига етишларига ўргатиш

Т.Эгамбердиева – ФарДУ, тарих кафедраси профессори, педагогика
фенлари доктори
Н.Исройлов – ФарДУ, тарих кафедраси ўқитувчisi.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

мумкин. Ана шунда оиладаги мұхит - рашк, ишончсизлик меъёридан ошмай, оила бахтли бўлади. Бу борада маънавий тарбиянинг мұхим қуроли нутқ эканлигини унутмаслик керак. Шунинг учун ота-она ўз болалари билан гаплашганда ёқимсиз ибораларни ишлатмаслик, мантиқсиз, ёқимсиз, оҳанг билан уларни ранжитмаслик керак. Ота-онани болаларга ваъда берган ишларини бажармаслиги ўзларига нисбатан ишонч, обрўйини йўқотади. Зеро, ота-онани ибрати самимий, талабчан, соф вижданлиқда намойиш этилади. Бундай педагогик ҳолат ёшларни баркамол бўлишига, уларнинг фуқаролик жамиятида ўз ўрнини топа олишларига таъсир этиши мумкин [3.64]. Оилавий муносабатлар маънавияти, маданиятини ривожланиши отага нисбатан онага боғлиқ. Фарзандни дунёга келтириб вояга етказиш мураккаб педагогик, психологияк жараён бўлиб, буни амалга ошириш аёл - онанинг маъсулиятига боғлиқдир. Чунки ҳеч кимса ахлоқсиз, жиноятчи, ватанфуруш, гиёхванд, ишёқмас бўлиб туғилмайди. У тарбиясизлик, маънавиятсизлик оқибатида юзага чиқади. Демак, оиласда ота-онанинг фарзандларини вояга етказишдаги, уларни ўз истеъоддларини амалга ошириш учун моддий ва маънавий имкониятлар яратишдаги маъсулияти юқоридир. Оиласда ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, кечиримли, сабрли, бағрикенг бўлиш, меҳр-оқибатга эришиш, албатта, ибратли самара беришига ишонч ҳосил қилиш учун тадқиқотлар асосида изланишлар олиб бордик. 2008 йил март-апрель Фаргона водийсидаги тадқиқотларда: (1120 оила - Т.А) "Оила фарзандлари бахтли бўлиши кимга боғлиқ ?" саволга 68 фоиз респондентлар - ота-она масъулиятига, "Оилавий кутубхонангиз борми?", "Ундаги китоблар сони қанча?" деган саволларга 63 фоиз респондентлар кутубхона йўқ, китоблар 30, 50, 100 тага етади деган жавоб берганликларини ечимини кутаётган педагогик мұаммо деб баҳолаганмиз. "Ноқобил фарзанд бўлишнинг сабаблари нимада?" деган саволга 31.3 фоиз респондентлар "Оиладаги мұхит ота-она намунаси" деб жавоб берганликларидан хулоса қилиш мумкин [5.272]. Бу эса ота-боболаримиз асрлар давомида эътиқод қилган ислом динида оила таълимоти яратилиб, унда оила мұқаддаслигининг эътироф этилганлиги, оила қуриб яшаш, фарзанд кўриш ва уларни

тарбиялашга ҳар бир шахс масъул эканлигини таъкидланганликларини келтириш мумкин. Зеро, ҳадисларда "Ота ўзининг боласига кўркам одобдан ортиқ ҳадя бераолмас" деб бежиз айтилмаган [4.16]. Демак оиласда ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ишонч мавжуд бўлса, бундай оила росттўй, меҳрибон, ўз ўртоқларига, маҳалладошларига доимо ёрдам кўрсатишга, маҳалла, қариндошларнинг хашар тадбирларига беминнат ёрдам беришга тайёр бўлган инсон камол топади. Ўзида инсонга ҳос барча фазилатларни мужассамлантирган инсонлар оиласлари ҳузур-ҳаловатда бўлиб, албатта маҳаллада намунали оила бўладилар. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятида (2017 йил июнь) бўлгандаридек, маҳаллада жаҳолатга қарши маърифат билан кураша оладиган оиласларда огоҳлик, куч-ғайратга эгалик бўлади. Оила жамият кўзгусидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIV боби 63, 64, 65, 66 - бандлари оиласа бағишингани юртимиз маънавий ҳаётини ифодаси бўлиб, бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилинаётган барча амалий-назарий тадбирлар оиласи янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда [1.9-10]. Бу масалалар асосида фикр юритсак, яъни 1993 йил 2 март куни "Соғлом авлод" ҳалқаро жамғармасининг ташкил этилгани, "Соғлом авлод" ордени таъсис қилингани кўпмиллатли юртимиз ҳаётидаги мұхим саналардандир. 1998 йилда "Оила йили" нинг Давлат дастури тўла-тўқис ҳаётга тадбиқ этилгани сир эмас. 1999 йилда ташкил топган Зулфия номидаги Давлат мукофоти юртимиз қизларини фаоллигини оширишларига шарт-шароитларни яратиб бермоқда. 2017 йил 30 июнь "Ўзбекистон ёшлари куни" деб эълон қилиниши оиласда фарзандларнинг ватанга содиқ қилиб тарбиялаш, давлат, жамият қурилиши ва бошқарувида ижтимоий фаол иштирок этишларининг мұхим омилидир. Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида ҳалқимизнинг маърифий, маънавий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Кишиларимизнинг ҳаётга, келажак равнақига, тинчлик барқарорлигига муносабатлари тубдан ўзгарди. "Ҳалқ билан мулоқот ва инсон мафаатлари йили" деб номланган 20017 йилда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жамиятимиз ҳаётида улкан ўзгаришларни амалга ошириб, янги тарихнинг

янги даврини бошлаб берганини юртимиз аҳли ва жаҳон ҳамжамияти юқори баҳоламоқда. Айниқса, маҳалла, оила, нуроний, Ёшлар Иттифоқи, хотин-қизлар кенгаши, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолияти такомиллашиб, фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилаётгани айни ҳақиқатдур. Яъни биринчи Президент Ислом Каримов тақидлаганидек, “Оила соғлом эканжамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир” [2.72]. Ушбу илмий-назарий ғоядан келиб чиқкан ҳолда отаоналар ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўргони бўлмиш оилани ҳамда оилавий муносабатларни маърифий, маънавий самарадорлигини оширишда масъулдирлар. Ота-онанинг, оиланинг бу масъулиятли амалий фаолияти 170 та давлат тан олган юртимизни маънавий, маърифий уйғунлиқда ривожлантиришга замин яратади. Бу борада маҳалла, оила, таълим масканлари, нодавлат ташкилотлар қуидаги режали тадбирларни ҳамкорликда олиб борсалар, албатта, ижобий натижаларга эриша оладилар:

– фарзандларнинг комил инсон бўлишида, оиласда маърифий, маънавий мухитни яратишда ота-онанг ўз билимини ошириши;

– фарзандларни ватанпарвар, инсонпарвар, эркин фикрловчи, бамаслаҳат иш юритувчи этиб тарбиялаш;

– фарзандларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, тўғри қасб-хунарни танлаш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиб, уй-рўзғор ишларни бажариш малака кўникмаларини шакллантириш;

– оила кутубхонасини ташкил этиш, болаларни китоб ўқишга ўргатиш, уларда мунозара, мулоқот, нутқ маданиятини юзага келишига кўмаклашиш;

– оилавий урф-одатларни, иссиқ-совуқ маросимларни мазмунини тушунтириш, болаларни бу қадриятларни эъзозлаб иштирокчиси бўлишга ўргатиш. Зеро, бизни таҳлил кузатувларимиз асосида берилган тавсияларни ота-оналар, маҳалла фаоллари, таълим маскани педагоглари, Ёшлар Иттифоқи, Нуроний жамғармаси, хотин-қизлар кенгашлари тафаккур ила идрок этиб, маъсулият билан ёшлар ҳаётига тадбиқ этишларига ишонч билдирамиз. Чунки ҳаёт бу - тарихdir. Тарих улуғ бўлиши учун ҳар бир инсон оиласда, маҳаллада, жамиятда фақат ижобий фаолият олиб бориб, ўз ўрнига эга бўлиб, эл назарига тушиб, обрў қозонишини унутмаслиги зарур. Бу эса мустақил Ўзбекистонимизнинг янада ривожланиб буюк бўлишига ўз ҳиссамизни қўшишимизга имкониятлар бераверади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида ҳизмат қилиш энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015.
3. “Минг бир ҳадис”. – Т.: Мехнат, 1991.
4. “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги IV Республика илмий-назарий коференция материаллари. – Фарғона, 2017.